***Сўнгги пайтларда юртимизнинг Корея Республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари тобора кучайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг бир гуруҳ вакиллари Корея Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошидаги халқаро ҳамкорлик бўйича агентлик (КОИКА) таклифига кўра бу мамлакатда бўлиши ҳам бунга мисол бўла олади.***

Ўзбекистон ва жаҳон

# ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДАГИ ОМИЛЛАР

«Осиё йўлбарси» номи билан жаҳонга машҳур бўлган бу мамлакат тараққиёти ҳар кимни қизиқтириши табиий. Юртимиз вакилларининг асосий мақсади ҳам Жанубий Кореянинг барча соҳаларидаги тараққиёт моделини ўрганиш, жумладан иқтисодиёт, фан ва таълим тажрибаси билан танишиш, ахборот алмашиш ва икки томонлама манфаатларни ҳисобга олиб ҳамкорликни янада кучайтириш эди. Шунга кўра Сеулдаги Давлат хизматчиларининг таълим марказида бу давлатнинг ривожланиш босқичидаги фани, техникаси, таълими ҳақида семинарлар бўлиб ўтди.

— Давлат хизматчиларининг таълим маркази биздаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси мақомига тўғри келади, — дейди делегация вакили, Фан ва техника давлат қўмитасининг илмий-техник фаолиятни иқтисодий-ҳуқуқий бошқариш бошқармаси бошлиғи Ҳамид Мамажонов. — Марказнинг асосий вазифаси давлат хизматчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги вазифаларини такомиллаштиришнинг илмий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишдир.

Корея Республикаси табиий бойликларга эга эмас. Хом ашёни четдан келтириб, тайёр маҳсулотга айлантиради ва яна хорижга чиқаради. Шундай мамлакат юксак тараққиёт даражасига кўтарилган экан, табиий заҳиралари мўл бўлган юртимизда ривожланиш шарт-шароитлари етарли эканини англаш мумкин. Кореяда шаҳар билан қишлоқ ўртасида деярли фарқ йўқ, чунки қишлоқларга саноат етарли даражада олиб кирилган. Аҳолининг 15 фоизи қишлоқ жойларда яшайди.

Тейжон, Кюнжи, Ичон ва Пусан шаҳарларида асосий жамоат транспорти автобус. Трамвай ва троллейбус умуман йўқ. Бу ҳол Корея тоғли ҳудудда жойлашгани сабабли бўлса керак. Пусан шаҳрида пўлат эритиш комбинати билан танишдик. Маълумки, пўлат қуйиш учун кўп миқдорда электр қуввати ва сув керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда ушбу комбинат денгиз бўйига қурилган, ўзининг электр қуввати билан таъминловчи шахсий электростанциясига ҳам эга. Бу ҳолни деярли барча ишлаб чиқариш корхоналарида кўриш мумкин. Яъни маҳсулот тайёрлаш учун керак бўладиган ҳамма нарса ўша ернинг ўзида мавжуд. Бу эса ишчи кучини кам талаб қилади, вақтни тежайди.

Маълумки, автомобилсозлик бўйича дунё миқёсида Кореянинг ўз ўрни бор. Бугунги кунда «ДЭУ моторс», Хёндай, КИА каби йирик корпорациялар ўз автомобилларининг 50 фоизини ташқи бозорга чиқаришади. Маҳсулотнинг янги хилларини ишлаб чиқаришда ДЭУ ўзига хос муваффақиятларга эришмоқда. Биз Кореяда бўлганимизда бу корпорациянинг янги маҳсулоти — «Ланос» автомобилининг тақдимоти маросимида иштирок этдик. Бу машина аввалгиларига нисбатан бир қанча қулайликларга эга бўлиши билан бирга арзонроқ ҳам экан.

Жанубий Кореянинг сўнгги йиллардаги босиб ўтган йўли шуни кўрсатадики, ҳар томонлама тараққиёт жараёнида таълим тизимини юксалтиришга асосий эътиборни қаратган. Ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида таълим олишларини таъминлаш, уларнинг илм-фандаги истеъдодини очишга имкон яратиш мамлакат ривожининг асосий омилларидан бири бўлган. Ҳозирда ҳам бу иш ўз муҳимлигини йўқотмаган.

Булардан ташқари Кореяда маънавият, миллий қадриятларга бўлган эътибор ҳам кучли эканини сездик. Гарчи мамлакат аҳолисининг ярми турли динларга эътиқод қилса-да, ҳар бир хонадонда донишманд Конфуций таълимоти жуда катта ҳурматга эга. Бу таълимотни одамлар жуда ёшликдан ўзлаштиришади. Айниқса, Сеулдаги Кореянинг беш минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи музей сайёҳлар учун жуда қимматли жой. Бу ерда ҳам кўпинча мактаб ўқувчиларини кўриш мумкин. Кореяликлар мамлакат тараққиётида ана шундай маънавий омилларнинг ўрнини ҳам бениҳоя муҳим ҳисоблашади. Бу давлат мисолида бугунги кунда бизда ҳам маънавиятга юксак эътибор қаратилаётгани тараққиёт йўлидан тўғри кетаётганимизни кўриш мумкин.

Жанубий Кореяга қилинган сафар натижалари бизга кўп нарса берди. Хусусан илм-фан, янгиликларни амалиётга тадбиқ этиш, бозор иқтисодиёти шароитида олий таълим тизимини тўғри йўлга қўйиш масалаларида маълум йўналишлар олдик. Аммо бу тажрибаларни қандай бўлса шундайлигича эмас, балки ўзимизга мос тушадиганини, бизда самара берадиганини ўзлаштирамиз.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.*

Тарғибот

# ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ МАВЗУЛАРИДА

Тошкент Давлат университетининг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси ташаббуси билан «Маънавият ва маърифат» жамияти доирасида университет ректорати, раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар учун ташкил қилинган мунтазам фаолият кўрсатувчи лекторий иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодий бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор Р. Каримовнинг «Ўзбекистонда миллий валютанинг тўлиқ қобилиятини ошириш муаммолари» мавзуидаги маърузаси қизиқиш билан тингланди.

Янги лекторийнинг асосий мавзулари Ўзбекистонда жамиятнинг янгиланиши муносабати билан келиб чиқаётган қатор долзарб масалалар бўлиб, унда таниқли олимлар, маданият арбоблари, масъул давлат ходимларининг ҳар ойда бир марта маърузалар билан чиқишлари кўзда тутилган.

Кейинги ойларда «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устивор масалалари», «Ўзбекистон Республикасининг бой табиий ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги илм-фан ютуқлари ва амалиёти», «Ўзбекистон ёшлари орасида жиноятчиликнинг аҳволи ва тарбиявий ишларни яхшилаш борасидаги вазифалари», «Генетика фани соҳасидаги тадқиқотлар ва истиқболлар» ва бошқа қатор маърузалар режалаштирилган.

*Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.*

Истеҳзоли хатлар

# ҚАЧОНГАЧА?

Биз, Чилонзор туманидаги 20-Д мавзе, 46-уйда истиқомат қилувчи фуқаролар мана 5-6 йилдирки, бутун қиш бўйи уйимиз ертўласидаги қайноқ сув қувурлардан тўхтовсиз отилиб чиқиши натижасида иссиқ буғлар остида намланиб кетган хоналарда яшаб келмоқдамиз. Ёз кунларини-ку айтмай қўя қолайлик. Уйимизнинг 3-4-қаватларига совуқ ва иссиқ сувлар мутлоқ чиқмайди. Аҳоли бу хусусда турар жойлардан фойдаланиш идораси вакилларига, сантехникларга бир неча бор мурожаат қилди. Лекин уларнинг бундай ҳақли талаблари ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Хўш, бундай аҳвол қачонгача давом этади?

Чилонзор тумани, 20-Д мавзе, 46-уйда истиқомат қилувчи аҳоли номидан:

*Улуғбек РИЗАЕВ.*
*Жами 25 имзо.*

Тадбиркорлик — бозор талаби

# КОРХОНА ИҚТИСОДИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

«Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти маҳсулот сифатини яхшилашга, жаҳон андозаларига мос тракторлар тайёрлашга ҳаракат қилмоқда. Дастлаб беларуслар билан ҳамкорликда МТЗ—80 трактори ишлаб чиқарила бошланди. Бу янги маҳсулотга талаб анча кучли бўлди. Бора-бора эса маҳсулот сотилиши сусайди. Деҳқонларга йил — 12 ой дала юмушларида ёрдам берадиган механизм зарур бўлиб қолди. Яъни у пахта тера олсин, ҳам чигит эксин, ҳам чопиқ қилсин. Хуллас, универсал машина бўлсин.

— Биз шу мақсадда Американинг «Кейс корпорейшн» фирмаси билан ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома туздик, — дейди корхонанинг етакчи мутахассисларидан бири Игорь Великий. — Дастлаб Америкадан келтирилган «Кейс»лар далаларимизда турли юмушларда синаб кўрилди. Синовдан муваффақиятли ўтган бу машиналарни келгуси йилнинг биринчи чорагида оммавий равишда ишлаб чиқара бошлаймиз. «Кейс—4240» маркали бу тракторлар халқаро экологик нормаларга тўла жавоб беради.

Маълумки, Американинг «Кейс корпорейшн» фирмаси дунёда энг таниқли компаниялардан бири бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли маркали тракторлар, ғалла, пахта комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги юмушларида фойдаланиладиган машина ва механизмларнинг бозори чаққон. Чунки «Кейс корпорейшн» жаҳон андозаларига мос механизмлар билан дунё бозорида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

«Тошкент трактор заводи» келгуси йили «Кейс-4240» тракторларидан икки мингта ишлаб чиқаради. Унинг ярмидан пахта йиғим-теримида фойдаланилади. Бу тракторлар 3 ғилдиракли бўлади. 5 йил ичида бундай машиналар ишлаб чиқарилиши кўпайиб, энди улар республикамиз деҳқонларини таъминлабгина қолмай, балки чет давлатларга сотиш имконияти туғилади. Бу эса ўз навбатида корхона иқтисодини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

*Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.*



*«Геобуртехника» акционерлик жамиятининг асбобсозлик цехи ўзининг мутахассис ва тажрибали ходимлари билан режани ҳамиша бажариб келади. Пардозловчи Ольга Гашева ҳам шулар жумласидан. Ҳар бир маҳсулотни нафақат чидамли, балки сифатли ва кўркам қилиб тайёрлаш ҳам унинг вазифасига айланган.*
*Суратда: О. Гашева маҳсулотга пардоз бермоқда.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*

***Халқимизда қадимдан мавжуд бўлган «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган ибратли мақол аслида маҳаллалар мисолида айтилган бўлиб, бугунги кунда ҳам уларнинг оҳори кетгани йўқ, аксинча улар давлат сиёсатига монанд оҳангда жарангламоқда.***

Маҳалла — жамият таянчи

# МЕҲРИМИЗ ДАРЁ

Одамларни бирлаштирувчи, улар ўртасида тинчлик ва хотиржамликни сақловчи, ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини боғловчи маҳалла қўмиталари ва уларнинг оқсоқоллари, фаоллари ҳақиқатан ҳам маҳаллада катта кучдир.

Маҳалламиз туманда энг йирик маҳаллалардан бири ҳисобланади. Бу ерда 14,5 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Русийзабон миллат вакиллари маҳаллада кўпчиликни ташкил этади. Яқинда қизиқ бир воқеанинг шоҳиди бўлдик. Анна Прохорова деган ёлғиз бир рус аёли Россияда яшовчи қариндошларига орқа қилиб маҳалламиздан кўчиб кетган эди. Орадан икки-уч ой ўтар-ўтмас тарвузи қўлтиғидан тушиб тағин қайтиб келди. Бошидан ўтган воқеани у бизга шундай гапириб берди: «Бекорга иссиқ жойимни совутган эканман. Қариндош-уруғларимнинг берган ваъдалари, жигарбандлик қилиб айтган гаплари бари пуч, ҳавойи гаплар экан. У ёқда ишонган боғларим сароб бўлиб чиқди. Бу ерда яхшигина пенсия олардим. Бунинг устига Ўзбекистон ҳукуматининг кам даромадли оилалар ва ёлғиз қарияларга бериладиган инсонпарварлик ёрдамидан ҳам баҳраманд эдим. Ота юртим Россияда, тўғрироғи, Воронежда иқтисодий ислоҳотларнинг боши берк кўчага кириб қолган. Одамларнинг ҳаёт тарзи ночор, турмуш кечириш оғир. Ака укани, ота болани танимайди, меҳр-шафқат издан чиққан.

Худога шукр, Ўзбекистонда тинчлик, хотиржамлик ва ижтимоий барқарорлик ҳукмрон. Иқтисодиёт ҳам юксалмоқда, одамларнинг турмуши ҳам йилдан-йилга фаровонлашиб бормоқда. Энг муҳими, мен бу юртга қайтиб Ўзбекистон мисолида ўз Ватанимни яна қайтадан кашф этдим. Қадрдон маҳаллам мени яна ўз бағрига олди. Бағри кенглик, ҳотамтойлик ҳам шунчалик бўларда».

Ушбу сўзлар кишининг қалбида мустақил юртимиз учун фахрланиш туйғуларини уйғотади. Бундай гапларни маҳаллада — Ўзбекистонда узоқ йиллар яшаб, тинчгина истиқомат қилиб турган, уй-жойини сотиб, сўнгра ўз юртига кетиб у ернинг тузини татиб кўрган Юрий Миклёховдан ҳам эшитдик.

Юқорида айтганимиздек, маҳалламизда турли миллат вакиллари яшашади. Улар бир-бирларига ҳамкор, аҳил ва иноқдирлар. Хулоса шуки, бу юртнинг сувини бир ичган қуш яна қайтиб ичсам дейди. Меҳри дарё халқимизнинг қалби эса барча софдил миллат вакилларига нисбатан кенг очиқ.

*Нусрат ШОИЛЁСОВ,*
*Чилонзор туманидаги «Тинчлик» маҳалла кенгашининг котиби.*
*Рафиқ ИБРОҲИМОВ,*
*кекса журналист.*

Ҳуқуқий давлат сари

# ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ҳуқуқий демократик давлат қураётган республикамиз олдида ҳозирги кунда прокурорларнинг суддаги иштирокини ва ваколатларини кучайтириш, прокуратура ходимлари иштирокида одил судлов, айбсизлик презумпциясини, кўп эпизодли жиноий ишларда бир нечта прокурорларнинг иштирокини таъминлаш, судда жиноят иши кўрилишида судья ва прокурорнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатлари энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг энг яхши давлат айбловчиларининг илмий-амалий конференциясида ҳам ана шундай долзарб масалалар ва уларнинг ечими хусусида сўз борди.

Унда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Б. Пўлатов, Тошкент Давлат юридик институтининг жиноят жараёни кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор Г. Т. Саркисянц, Х. С. Сулаймонова номидаги суд экспертизаси илмий-текшириш институти директори, юридик фанлари доктори, профессор Б. И. Пинхасов, шунингдек, республикамиз вилоят, шаҳар ва туманларининг прокурорлари судда жиноят ишлари кўрилишида тортишув принципига амал қилиш, Ўзбекистонда қонунчиликнинг ривожланиши шароитида судда иштирок этувчи прокурорнинг процессуал ҳолати, суд муҳокамасида далилларни таҳлил қилиш жараёнида давлат айбловчиси томонидан суд экспертизаси хулосасидан фойдаланиш, мансабдорлик жиноятлари бўйича давлат айбловини қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа мавзуларда сермазмун маърузалар билан чиқишди.

Анжуман сўнггида давлат айблови нутқининг видеотасвири намойиш этилиб, бу фаолиятга оид муаммоли масалалар муҳокама қилинди.

Тушган таклиф, фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилган ҳолда конференция иши бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

***Янги ишга туширилган «Миробод» бозорида бўлганимизда ранг-баранг маҳсулотларга тўла пештахталарни кўздан кечириб юрган чет эллик меҳмонлар билан мулоқотда бўлдик.***

***— Тошкент гўзал. Бозорлари ҳам гўзал. Шаҳрингизнинг озода ва батартиб кўчалари ҳар қандай кишини ўзига ром этади.***

***Очиғи бу сўзлар қалбимизни фахр ва ифтихор туйғулари билан тўлдирди. Шундай улуғвор юртда яшаётганимиздан ғурурландик. Чиндан ҳам бугунги кунда пойтахтимизнинг Амир Темур, Шароф Рашидов, Навоий, Ипак йўли, Фарғона йўли, Усмон Носир, Бобур, Халқлар Дўстлиги каби шоҳкўчаларидан ўтган ҳар қандай кишининг баҳри-дили очилади. Навоий номли Миллий боғ, Анҳор бўйи ва шунга ўхшаш хушҳаво масканларни сайр қилиб кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Албатта Тошкентимизда бунақа мафтункор, гугурт чўпи топилмас кўчалар оз эмас. Минг афсуски, ҳамма кўчалар ҳақида ҳам шундай фикрларни айта олмаймиз.***



Шаҳар хўжалиги мавзуида

# ОЗОДАЛИК ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ



Марказий кўчалардан сал узоқлашиб маҳалла ва даҳалар томон кириб борсангиз баъзан шундоққина йўлнинг ўртасига тўкилган чиқинди уюмларига дуч келасизки, ҳатто бу ердан консерва банкаларини футбол қилиб тепиб ўтишингизга тўғри келади. Ахлатхонадан таралаётган ҳиддан кўнглингиз беҳузур бўлади. Бундай ҳолга ким ва нима сабаб? Очиғини айтадиган бўлсак бунинг сабабини биринчи навбатда ўзимиздан қидирганимиз маъқул. Келинг, аниқ мисолларга мурожаат қилайлик.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев кўчасининг Аҳмад Дониш кўчаси билан кесишган жойида, Юнусобод даҳасининг 13-мавзеида жойлашган 2-уй рўпарасида, Шоҳсанам кўчасининг 138-мактаб олдидаги, «Чинобод» санаторийси девори ортидаги 200 метрдан ортиқ масофага чўзилган ахлатхоналар қаердан пайдо бўлди? Ахир бу жойлар бундан икки-уч йил муқаддам тоза ва озода эмасмиди? Дастлаб кимдир шошилинчда бир челак чиқиндини шу ерга тўкди. Эртасига бошқа биров ундан «ибрат» олди. Индинига яна бир ўзга киши. Хуллас, «Бирники мингга, мингники туманга» бўлди. Ушбу ишнинг оқибати юқоридаги ахлатхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Энди уни йўқотиш учун идорама идора ўзимиз югуриб юрибмиз.

— «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятига, — деб ёзишади Шайхонтоҳур туманининг Жарариқ мавзеида истиқомат қилувчилар. — Шикоятимиздан мақсад мавзеимиздан ўрин олган 13 ва 14-уйлар олдида ёки 229-болалар боғчаси эшиги тагида ёйилиб ётган ахлатхонани йўқотишда бизга ёрдам берсангиз. Ахлатхона кун сайин ҳам бўйига, ҳам энига кенгайиб бормоқда. Бу ерга узоқ-яқин хонадонлардан челаклаб ёки қўшни маҳаллалардан машиналарда турли чиқиндилар тўхтовсиз олиб келиб ташланяптики, бу ҳол давом этаверса билмадик, оқибати нима бўлади. Бу ҳақда бир неча бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Лекин улар ваъдадан нарига ўтишмаяпти».

Хўш, мактуб эгаларига нима жавоб бериш мумкин? Келинг, масалага аниқлик киритиш учун рақамларга мурожаат қилайлик. Мутахассисларнинг эътироф этишича, бир йилда Тошкент шаҳар аҳолиси чиқарадиган қаттиқ маиший чиқиндилар 1 миллион 500 минг тоннани ташкил этар экан. Ушбу чиқиндиларни шаҳар чеккасига олиб чиқиб ташлаш учун 900 та машина мунтазам ҳаракатда бўлмоғи лозим. Лекин айни кунларда шаҳарда 500 га етар-етмас (улар ҳам сонда бору, сифатда йўқ) машиналар «санитарлик» қиляпти. Бунинг устига уларга эҳтиёт қисмлар етишмайди. Ахлат идишлари масаласида ҳам шундай танқислик мавжуд. Агар маҳаллалар учун чиқинди ташлайдиган қутилардан 25 минг дона керак бўлса, ҳозир борлари бу кўрсаткичнинг 10 фоизинигина ташкил этар экан. Шу ўринда наҳот бу муаммоларга барҳам бериш мумкин бўлмаса, деган ҳаққоний савол туғилиши табиий. Жавоб тариқасида айтишимиз мумкинки, оилаларда йиғилган ахлатларни ташиб кетадиган машиналар хизмати учун бир ойда киши бошига тўрт сўмдан пул тўпланади. Ушбу миқдор балки бировлар учун кўпдек туюлар. Лекин бу сарфу харажатларнинг 70 фоизи давлат ҳисобидан қопланишини айтадиган бўлсак ҳамма нарса аёнлашади.

Устига устак бугунги кунга келиб биргина ахлат ташиб кетиш юзасидан шаҳардаги баъзи муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг 42 миллион сўмлик қарзи бор экан. Шундай экан, давлат ободонлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатларга ортиқча маблағни қаердан олсин? Бироқ, қўл қовуштириб ўтирилгани ҳам йўқ. Ҳозир Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш корхонасини қуриш мўлжалланмоқда. Тахминий ҳисобларга кўра бу қурилиш учун 20 миллион АҚШ доллари сарф бўлар экан. Бундан ташқари яқин орада янги 100 та машина сотиб олиш режалаштирилган. Мана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак юқоридаги хат муаллифларига эрта-индин тегишли ташкилотлар томонидан сиз айтган ахлатхона тозалаб ташланади деган аниқ фикрни ҳам айта олмайдиган кўринамиз. Шундай экан, имконни ўзимиздан қидиришимизга тўғри келади.

Бу хусусда гап юритишдан олдин бир зум бўлса-да ўзимизнинг ҳам мақбул, ҳам фойдали саналган ўзбекона одатларимизни бир эслайлик. Қани айтингчи, бизнинг урфимизда ахлатни кўчага чиқариб ташлаш расм бўлганми? Айниқса мендан нарироқ бўлсин деб ўзгаларнинг эшиги тагига тўкиш? Бу ўтакетган ҳурматсизлик, маданиятсизлик ҳисобланмасмиди? Ҳар бир хонадоннинг ўз ахлат ўраси бўлар, барча чиқиндилар ўша ерга тўпланиб, кейин эрта баҳорда ундан ўғит сифатида фойдаланилмасмиди? Ахир ҳозир ҳам қишлоқ аҳли ота-боболаримиздан қолган бу яхши одатни тарк этмай келишяптику. Нега биз шаҳарликлар бундай савобли анъанадан четлашиб боряпмиз. Ҳар қалай ўйлашга, фикрлашга арзийдиган иш бу. Энг муҳими, баҳонага ўрин йўқ. Чунки маҳаллаларда истиқомат қиладиган оилаларнинг ҳовли-жойлари бундай шароитни кўтаради.

Мустақиллик майдони бекатидан маршрутли автобусга чиқдик. Олдинги ўриндиққа ўтириб олган ўрта ёшлардаги аёл тўхтовсиз писта чақар, ҳовучига йиғилган пўчоқларни ерга улоқтирарди. Ғашимиз келиб уни тартибга чақирган бўлдик.

— Нима ишингиз бор менинг писта чақишим билан, — деди у бобиллаб. — Сизларга малол келмай қўя қолсин. Бу ерни тозалайдиган фаррошi бор.

Ана сизга жавоб. Минг бор узр. Лекин ҳақиқатни айтишга тўғри келади. Писта чақиш ва сақич чайнашдек ғаш келтирадиган одатлар биз шаҳарликларга хос. Қишлоқларда яшовчилар учун эса бу «қилиқ» одобсизлик ҳисобланади.

Очиғи, ҳали ҳам қўлимиздаги папирос қолдиғини истаган томонга отишдан ўзимизни тия олганимизча йўқ. Чўнтагимиздаги кераксиз қоғозларни ғижимлаб, майдалаб, дуч келган жойга улоқтириш одатидан воз кечолмаяпмиз. Малол келмасину, баъзан ўзимиз қўлбола ахлатхонани бунёд этиб уни йўқотиш учун ташкилотлар эшигини қоқиб юрибмиз. Агар ҳамма ўзи яшаган кўчасини қадрласа, унинг ҳақиқий хўжайини бўлса кўчаларимизнинг ободлиги ҳозиргидан ўн чандон яхши бўларди. Шу ерда бизга яқин баъзи бир давлатларда кўчага ташланадиган бир дона сигарет қолдиғи учун бир неча минг доллар жарима солинишини эслатиб қўйсак фойдалан ҳоли бўлмас.

Зеро, гап шаҳримиз ободончилиги хусусида борар экан, ободонлаштирувчилар шаънига ҳам айтадиган сўзимиз йўқ эмас. Ҳар йили баҳор ва куз мавсумларида шаҳримизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозалаш бўйича ойликларни ўтказиш канда қилинмайди. Бу тадбир давомида кўча ва маҳаллалар ҳудудларига қанчадан-қанча мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилади. Биргина шу йилнинг 25 октябридан 25 декабригача мўлжалланган икки ойлик давомида 18 минг манзарали, 17 минг мевали дарахт кўчатлари, 55 минг туп терак, 82 мингта бута ўтқазиш кўзда тутилган. Хўш, бу режа бажарилдими? «Деярли бажарилди» деб жавоб беришади шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасидагилар. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўп, ҳар йили баҳорги ва кузги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ойликларида шаҳар миқёсида шунчалик кўп дарахт кўчатлари ўтқазилаётган экан, нега шу вақтгача Тошкентимиз яшил бойликларга бурканиб кетмайди. Бунинг ҳам ўзига хос боиси бор, албатта. Гапни лўндасини айтганда ойлик тугадими, бўлди. Бошқа юмуш, кундалик ташвишлар билан бўлиб яхши ният билан ўтқазган ниҳолларимизни қаровсиз қолдирамиз. Бунга истаганча мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, Юнусобод даҳасининг 2-мавзесида шундоққина марказий йўл ёқасидаги бир гектарлик майдонда яшил зона бунёд этиш мақсадида турли-туман кўчатлар экилди. Баҳорда экилган кўчат кузгача сувсизликдан қурийди. Кузда қовжираган ниҳоллар суғуриб ташланиб, ўрнига бошқаси экилади. Бу ҳолат ўн йиллар чамаси сурункали давом этди. Аммо яшил зона бўй кўрсатмади. Ниҳоят ўтган йил бу жойда кўп қаватли бино қурилиши бошланди-ю, ободонлаштирувчиларнинг жонига оро кирди. Ҳар йилги ниҳол экиш ташвишидан қутулишди.

Юнусободнинг 15-мавзесида «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласи бор. Маҳаллага 83 та кўп қаватли уйлар бириктилган. Уларда 28 миллатдан иборат, 15 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ушбу маҳалла ташкил этилгунча ободонлаштирувчилар ҳар йили атроф кўчаларга турли-туман дарахт кўчатларини экишдан чарчашмади. Лекин улар парваришсизликдан бирин-кетин қурийверди. Зўр-базўр тутиб қолганларини эса баъзи ноинсофлар илдизи билан кўчириб кетишди. Хуллас бу жойда маҳалла таркиб топиб, унга отахон Эгамназар Қодиров бошчилик қила бошлагандан кейин янги маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ишларини асосан истиқоматчиларнинг ўзлари бажаришадиган бўлишди. Бу ерда фаоллар бошчилигида тез-тез ҳашарлар уюштириладиган бўлди. Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан қилинган иш ўз самарасини кўрсатди. Натижада маҳалла ободонлашиб, кўчаларга файз кирди. Уч гектарлик бўш майдонда боғ яратилди. Маҳалла гузари қурилди. Қизиғи шундаки, бу ишларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан бажарилди. Қани энди ҳамма маҳаллалар ҳам бу ибратли ишдан ўрнак олишса. Агар шундай қилинса ободончиларнинг ишлари анча енгиллашарди.

— Маҳалла катта куч, — дейди Эгамназар ака биз билан суҳбатда. — Фақат аҳолини уюштира билиш керак. Ана шундагина ҳар қандай юмушни бажариш, ҳеч қандай муаммога ўрин қолдирмаслик мумкин. Иш фаолиятим юзасидан кўпинча ҳокимлик йиғилишларида, ободонлаштирувчилар ҳузурида бўламан. Шундай кезларда баъзи маҳаллақўмлар уялмай-нетмай ўриндиқларидан туриб (ўзларича буни жонкуярлик ҳисоблашишади) ҳудудимизда бир ахлатхона бор, уни йўқотишга ёрдам беринглар, деб нолиб қолишади. Шундай кезларда қоним қайнаб кетади. Нега сенинг ҳудудингдаги ахлатхонани биров тозалаб бериши керак. Ахир ўша ахлатхона сабабчиси маҳалла наҳот уни ўзи тозалашга қодир бўлмаса. Қолаверса ўзгалар меҳнати ўша маҳалла аҳли томонидан қадрланармикан? Борди-ю бу ерга уларнинг ўз меҳнати сингса-ю, бели оғриб замбил кўтарса унда улар фақат ўзи эмас, балки ўзгаларни ҳам бу номақбул ишдан четга тортиши шубҳасиз.

Шу ўринда ҳаётий яна бир мисол келтирай. Кўп қаватли уйда турган вақтимизда қўшнимиз Ибодатхон нолиб қолди:

— Мулла ака, сиз газетада ишлайсиз. Мундоқ ЖЭК бошлиғига айтиб йўлагимизни тозалайдиган фаррош хотинни тартибга солиб қўйсангиз бўлмайдими? Қачон қарасангиз йўлагимиз ифлос. Нега супурувчи хотин ойликни бекорга олиб кетиши керак.

Ибодатхонга аччиқ-қуруқ гапириб, узиб олмоқчи бўлдиму тилимни тишлаб индамай ўтиб кетдик. Кеча уйини супуриб, ахлатини шундоқ йўлакка — оёқ остига чиқариб ташлаганини кўргандим. Қўшнилар ҳам бу аёлнинг шу қадар озодагарчилик «шайдоси» эканлигидан менга бир неча бор шикоят қилишганди. Тавба, бу қанақаси ўзи. Ниҳотки каталакдек йўлакни супуриб озода сақлаш шу қадар муаммога айланган бўлса? Нега ўзимизга ўхшамай кетяпмиз. Эрта тонгда туриб, ҳовли, эшик олдини, ҳатто бутун бошли кўчани сув сепиб супуришдек одатимиз нега бизни тарк этиб боряпти. Нима, юмушларимиз шу қадар кўпмидики, ҳар куни ярим соатлик вақтимизни супуриб-сидиришга ажратолмасак. Соатлаб тошойна олдида туриб, пардозимизни жойига қўйишни бирор кун канда қилмаймизу, озодагарчилик учун эса арзимаган вақтимизни ажратолмаймиз.

Мақола бошида гапни хорижий меҳмонларнинг сўзлари билан бошлаган эдик, охирини эса яқинда Германия сафарида бўлиб қайтган дўстимизнинг гапи билан якунламоқчимиз.

— Бир ҳафталик сафаримиз чоғида қанча кўчаларни сайр қилмадик дейсиз. Лекин бирор ерда оёқ кийимимизга гард юққанини кўрмадик. Қани энди бизнинг кўчаларимиз ҳам шундай озода ва тартибли бўлса...

Яхши ният — ярим мол. Мустақиллигимиз бизга барча яхши одату, анъаналаримизни қайтариб берди. Ниятимиз шулар қатори ўша азалий озодагарчиликка оид ўзбекона расм-русумларимиз ҳам тезроқ кундалик ҳаётимизга сингиб кета қолса. Бу истакнинг амалга ошиши ҳам биринчи навбатда ўзимизга боғлиқ.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*



Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

# ЖОНДАН БЎЛАК ҲАММАСИ МУҲАЙЁ

**Тошкент супермаркетлари ҳақида шундай деса арзийди**

*Бугунги кунда ҳар биримиз шаҳримизнинг деярли ҳар бир туманида фаолият кўрсатаётган олий тоифадаги дўконларнинг хизматидан кенг кўламда фойдаланиш имкониятига эгамиз.*

*Шаҳар ҳокимлигининг аҳолининг юксак сифатли маҳсулотларга бўлган талабини янада тўлароқ қондириш ва харидорлар онгига «Фирма-супермаркет-истеъмолчи» деган тушунчани киритиш мақсадига қаратилган махсус қарори ана шундай дўконларнинг очилишига монийлик туғдирди.*

*Ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган кўпгина супермаркетлар ана шу вазифани ечишга турлича ёндошдилар. Уларнинг бири ишнинг янги усулларига ўтиб, фақатгина илгариги дўконларнинг номларини ўзгартириш ва маҳсулотларнинг турини озгина ўзгартирдилар, бошқалари эса дўкон тизимини тўлалигича қайтадан ўзгартириб, ишни янги бино пойдеворини қўйишдан бошладилар.*

*Хўш, бизнинг супермаркетларимиз бугун ўз номига яраша ишлаяптими? Уларда қандай муаммолар бор? Биз ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида шаҳримиздаги энг йирик дўконлардан бири — «Сергели» супермаркетида бўлдик. Маълумки, бу дўкон республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги байрами шодиёналари нишонланаётган кезларда очилган эди. Бинобарин шу ўринда ана шу қутлуғ байрамга шаҳримизда олтита супермаркетларнинг дўконлари ўз эшикларини очганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир...*



«Сергели» супермаркети унчалик катта бўлмаган озиқ-овқат дўкони ўрнида бунёд этилди ва ҳозирги вақтда унинг майдони 1400 квадрат метрни ташкил этади. Бу ерда ҳамма нарса киши кўзини қувонтиради — дўконнинг ташқи кўриниши ҳам, девор ва шифтлари ҳам, поллар пардози ҳам, пештахталар ҳам харидорга манзур бўлади. Бундан ташқари, ҳатто бу ерда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг либослари ҳам ўзларига жуда ярашиқли. Энг муҳими, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш энг нозик дидли харидорларга манзур бўлади.

— Бунинг боиси шундаки, — дейди Сергели тумани «Озиқа» ҳиссадорлик жамиятининг раиси С. Эрматов. — «Сергели»ни ўнлаб хорижий фирмалар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Ана шулар орасида хўжалик буюмлари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бераётган Грециянинг «Иординидис» фирмаси, маиший электр маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган Бирлашган Араб Амирликларининг «Кардинал Турс», сут маҳсулотлари ҳамда шарбатлар, ёғ, ун ишлаб чиқарадиган Эроннинг «Шахди — Эрон» ва «Озарбайжон» фирмалари, 20 хилдан зиёд кийим-кечакларни етказиб бераётган Голландиянинг «Эрно» фирмаси ва бошқа фирмалар бор.

«Сергели» супермаркетида маҳсулотлар тури жуда ҳам рангбаранг. Улар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, турли маиший аҳамиятга молик бўлган маҳсулотлар бор. Бу ерда махсус бўлим ҳам фаолият кўрсатяпти, бу бўлимда бизнинг маҳаллий маҳсулотларимиз — гўшт ва колбаса маҳсулотлари сотилмоқда. Ҳар бир бўлимда харидор талабини ўрганадиган махсус журнал очилган. Харидорларнинг талабларини инобатга олган «Сергели» жамоаси маҳсулотлари кенг довруғ қозонган фирмалар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Шулар орасида ўз молларини тўғридан тўғри етказиб бераётган Грециянинг болалар кийим-кечаклари, Финляндиянинг вино-арақ, Россиянинг қандолатчилик маҳсулотлари, Грузиянинг «Боржоми»сини етказиб бераётган фирмалар бор.

— Бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида биз Бирлашган Араб Амирликлари, Германия ва Испанияга бориб-келдик. Бизни шундай бир далил жуда ҳам қизиқтирди: уларнинг супермаркетларида омборхоналар бўлмас экан. Маҳсулотлар бу ерга унчалик кўп бўлмаган миқдорда олиб келинар экан. Тушган буюртмалар ва талабларга қараб харидор эҳтиёжи қисқа муддат ичида қондирилар экан. Шу мақсадда у ёки бу компания воситачиси билан мунтазам алоқа йўлга қўйилган бўлиб, бу воситачилар маҳсулотларни фирмадан олувчига, яъни дўконларнинг пештахталарига келтиришни амалга оширишар экан. Албатта истеъмолчининг талабига ана шундай тарзда ҳар томонлама ёндошиш ва уларни қондириш учун ҳали биз жуда кўпгина ишларни амалга оширишимиз керак, лекин истиқболда биз шундай ишларни бажаришни режалаштирмоқдамиз.

Яқинда «Сергели» супермаркетига ташриф буюрган Германия ва АҚШ мутахассисларининг фикрича, бу дўкон халқ истеъмоли буюмларини келтириш учун савдо шартномасини тузишга ўзининг ҳамма жиҳатлари билан тўлалигича жавоб берар экан. Гарчи уларнинг мамлакатида супермаркетлар энг зўр ҳудудларда қурилса-да ва улар фақат бой-бадавлатлар учун ҳисобланса-да, меҳмонларнинг таъкидлашича, бу ерда ҳар қандай хоҳиши бор харидор керакли харидни қилиш имкониятига эга. Бинобарин, бу ердаги нархлар ҳам бозордаги нархларга қараганда бирмунча пастдир.

Бу билан «Сергели»да ҳамма вақт харидорлар гавжум демоқчи эмасмиз. Лекин бу дўконнинг ҳам ўзининг доимий мижозлари борлиги бор ҳақиқатдир.

— Сергели туманида Йўлдош шаҳарчаси дастлабки ғишт қўйилган кундан бери истиқомат қиламан, — деди Сергели 2 мавзесида яшовчи пенсионер О. Мамбетова. — У пайтлар бу ерлар бўмбўш жойлар эди, туманда бир-иккитагина кичик дўкон бўларди, бир-икки транспорт маршрути шаҳар марказини боғлар эди. Эндиликда эса бизнинг даҳамиз қисқа муддат ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу ерда шинам уй-жойлар қурилмоқда, йирик иншоотлар қад кўтармоқда, сўнгги йилда бу ерда деҳқон ҳамда автомашиналар бозори очилди. Йирик ярмарка ишламоқда, ҳар бир мавзеда кўплаб маиший хизмат нуқталари аҳоли хизматида. Ҳар бир уй атрофида уй — рўзғорга керак бўладиган маҳсулотларни сотадиган дўконлар очилди. Қулай «Мерседес»лар туманимизни шаҳар маркази билан боғлаб турибди. Мана энди бизнинг туманимизда яна бир янгилик рўй берди .. «Сергели» супермаркети очилди. Бинобарин, бу ердаги нархлар бизга ўхшаш пенсионерларга унчалик монанд келмаса-да, бироқ мен бу ердан мунтазам равишда гўшт ва сут маҳсулотларини харид қиламан. Бундай маҳсулотларнинг тури ҳам, сифати ҳам харидорларга манзур бўлмоқда. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бу ерда харидор тарозусидан уриб қолишмайди, чунки электрон касса аппаратлари ҳар бир бўлимга қўйилган бўлиб, улар харид қилган маҳсулот ҳажми ва нархини дарров кўрсатади. Бундан ташқари, олган маҳсулотингизни чиройли ўраб беришади, харидорларга ширинсўзлик билан муносабатда бўлаётган сотувчиларни айтмайсизми...

Ҳа, дарвоқе, маҳсулотларни чиройли қилиб қадоқлаш ва ўраш ҳақида. Кейинги пайтларда бошқа супермаркетларда бўлгани каби «Сергели»да ҳам фирмали қадоқлаш материаллари боисидан айрим қийинчиликлар юзага келди.

— Ана шу боисдан фирманинг нуфузини қўллаб-қувватлаш мақсадида савдо ташкилотлари маблағни аямай хориждан қадоқлаш материалларига буюртмалар беришмоқда, — деб сўзида давом этади С. Эрматов. — Ҳозирги вақтда Грецияга фирмали қадоқлаш материалларига катта буюртма берилди. Лекин шунинг ўзи билан аҳволдан чиқиш мушкул. Ўйлаймизки, бизнинг мутахассисларимиз ҳам халқаро талабларга жавоб берадиган қадоқлаш ва ўраш материалларини тайёрлаш технологиясини ўрганишлари ва бунинг учун керакли жиҳозларни харид қилиб олишлари керак. Манфаатдор шахслар сифатида эса бизлар умумий кучларни бирлаштириб, маблағ билан уларга ёрдам берамиз.

Ҳа, ҳали олдимизда супермаркетлар ишини янада такомиллаштириш борасида кўпгина ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Лекин бир нарсани алоҳида таъкидлаш ўринлидир: бугунги кунда бундай супермаркетларнинг хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда.





*Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,*
*Саид СОЛИЕВ.*

*СУРАТЛАРДА: «Сергели» супермаркети савдо бўлимларида.*
*Рашид Галиев олган суратлар.*

Институт ва мактаб ҳамкорлиги

# ИХТИСОСЛАШГАН ЛИЦЕЙ СИНФЛАРИ

Сергели туманидаги Увайсий номидаги 104-мактабда Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институти билан ҳамкорликда ихтисослашган лицей синфларини очишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

104-мактаб маъмурияти, Сергели туман халқ таълими бўлими ва Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институти ўртасида имзоланган шартномага кўра, ушбу илм даргоҳида халқ амалий санъати, театр ва тасвирий санъат йўналишлари бўйича лицей синфлари очилади.

— Бу синфларда, — дейди мактаб директори Абдунаби Орипов, — мактабимизнинг энг салоҳиятли санъат шайдолари ичидан телевидение ва радио дикторлари, театр ва кино актёрлари, рассомлар тайёрланади. Эътироф этиш лозим, лицей синфларининг айнан бизнинг мактабда очилиши бежиз эмас. Зеро, мана беш йилдирки, мактабимизда «Умид» театр гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Боз устига Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган танловда ғолиб чиқиб, ҳокимлик ва «Камолот» жамғармасининг бепул йўлланмаси билан тақдирланди.

— Тошкент Давлат санъат институти маъмурияти мактабдаги имкониятларни ўрганиб, — деди институт ректори М. Х. Қодиров. — Бу илм масканида лицей синфларини очиш мумкин, деган қарорга келди. Шартномада томонларнинг мажбурияти аниқ кўрсатилган, энди уни ҳаётга тадбиқ этиш лозим.

Тадбир интиҳосида «Умид» театр гуруҳи ва Тошкент Давлат санъат институти 5-босқич дастури намойиш этилди.

*Талъат МУҲАМЕДОВ.*

***...Тошкент Янги йил олдидан бу йил ҳам ўзгача манзара кашф этган. Қуёшнинг заррин нурлари атрофга таралмоқда. Кўча ва хиёбонлар узра тўкилган олтин ранг япроқлар ажиб шивирлайди. Лекин қордан дарак йўқ. Бироқ нима бўлганда ҳам биз доимо эсда қоладиган ва орзиқиб кутадиган байрамни — Янги йилни дилда ҳаяжон ва сабрсизлик билан кутамиз.***

Эртаклар оламига саёҳат

# ҲАЯЖОН БИЛАН КУТИЛГАН БАЙРАМ



Ҳа, шу кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда байрамона кайфият ҳукм сурган. Кўчалар кишилар билан гавжум, фарзандлари билан сайрга чиққан ота-оналарнинг қувончи чексиз. Бир сўз билан айтганда ҳамма Янги йилни қаршилаш кайфиятида. Шу жиҳатдан олганда Даниянинг «Ян интернешнл компания» фирмаси барча тошкентликларга ажойиб байрам кайфиятини улашди. Яъни бу фирма одатдан ташқари театрлаштирилган кўрсатувларнинг ташаббускори ва бош ташкилотчиси бўлди.

— Бундай байрамни уюштириш ғояси ўтган йили Янги йил арча байрами кезларида хаёлимизга келган эди, — деб ҳикоя қилади «Ян интернешнл» компаниясининг президенти жаноб Поль Ян. — Мен ўшанда келгуси йили Навоий номидаги Давлат академик Катта театри саҳнасида Даниянинг машҳур ёзувчиси Ганс Христиан Андерсеннинг эртакларини қўйишга ваъда берган эдим. Мана энди мен ўз ваъдамга вафо қилиб турибман: 25 декабрдан то 10 январга қадар тошкентликлар — болалар ҳам, катта ёшдагилар ҳам Навоий номидаги Катта театрнинг «Ян интернейшнл» билан биргаликда қўйган «Қор маликаси» томошасини кўришлари мумкин. Ўйлайманки, у томошабинларда катта қизиқиш уйғотади. Чунки Андерсен ижодининг серқирра ва чегара билмас томонлари беҳисоб...

...Ҳаммаси эса бундай бошланган эди: мўъжазгина самолёт пиллапоясидан ўзбек тупроғига шошилмасдан Даниянинг буюк эртакчиси Ганс Христиан Андерсен оҳиста тушиб келди. У ўзини ўраб турган кишилар диққатини тезда ром этди...

Қачонлардир биз Андерсеннинг эртакларини ҳаяжон ва ҳайрат билан кўп марталаб ўқиганмиз. Унинг эртакларидаги қаҳрамонларни болаларимиз ғоят севиб қолишган, бу қаҳрамонлар билан биргаликда улар кулишади ва эртакларнинг сеҳрли ҳамда қайтарилмас оламига киришади. Эртак қаҳрамонлари шу куни жонланиб Қорқиз ва Қорбобо билан бирга аэропортга ёзувчини кутиб олгани чиқишган эди.

Г. Х. Андерсен Тошкент заминига оркестрнинг зўр садолари остида қадам қўйди. Уни тилларанг арава кутиб турар эди. Мана бу арава ҳам ўз ўрнидан қўзғалди. Ва у Тошкент кўчалари бўйлаб йўл олди. Шаҳримиз кўчаларида шу пайт ҳозир бўлган кишилар такрорланмас бу лаҳзаларни кўриб ҳайратдан ёқа ушладилар. Ғайритабиий бўлган бу томошани кўриш бахтига муяссар бўлган кишилар ўзларини гўё қувноқ ва сеҳрли эртаклар оламига кириб қолгандек ҳис этганликларини айтишди.

Хуллас, тилларанг арава Навоий номидаги Давлат академик Катта театр биноси олдига келиб тўхтади. Режиссёрлар фикрича барча эртак қаҳрамонлари театр артистларидан иборат бўлиши керак эди. Бинобарин, ана шундай бўлди. Театр артистлари Г. Х. Андерсен эртаклари қаҳрамонларини маҳорат билан жонлантира олдилар...

Шуни айтиш керакки, бу дақиқаларда ён атрофда бирорта қовоғи солиқ одамнинг ўзи йўқ эди. Дарҳақиқат, ушбу байрамни ташкил этган кишилар унинг файзли ва қизиқарли бўлиши йўлида бор маҳоратларини ишга солишган эди.

Шу куни Навоий номли театрда Ганс Христиан Андерсеннинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазманинг тантанали очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Мана юз йилдан ортиқ вақт ўтибдики, ёзувчининг ватандошлари бўлмиш данияликлар Андерсенни ўзларининг бироз ғалатироқ, лекин жуда ҳам иқтидорли кишилари деб ҳисоблаб келишмоқда. Унинг жонли, ҳазилга мойил тили Дания аҳолисининг тилига айланди, Андерсеннинг эртаклари эса дунёнинг жуда кўп мамлакатлари болалари учун яқин ва қадрдон бўлиб қолди. Тошкентликларни ёзувчининг ижоди ва унинг ҳаёти билан таништириш мақсадида ташкил этилган кўргазма ёрқин бўёқларда намойиш этилган театр кўрсатувлари билан уйғунлашиб кетди.

— Мен театр раҳбариятига, жумладан Қориева хонимга ана шу байрамни тайёрлашда кўрсатган ёрдами учун катта ташаккур билдираман, — дейди жаноб Поль Ян. Шунингдек, мен «Ян интернейшнл компани»нинг ёшлари ва ғайратли болаларига ҳам ташаккур изҳор этаман. Чунки улар мен ўйлаб юрган ўйларни чиқаришга яқиндан ёрдам беришди.

Шод-хуррамлик билан, маза қилиб дам олаётган ва юзларига табассум балқиган бахтиёр кишиларни кўриш мен учун ёқимлидир. Мен Ўзбекистон ва Дания маданиятларини бирлаштиришга ҳаракат қилдим. Бинобарин, бир-биримиздан ўрганадиган жиҳатлар етарли. Ўйлайманки, мен жуда ҳам керакли ишга ўзимнинг муносиб улушимни қўшдим. Шу байрамдан тушган барча маблағлар эса театр жамғармасига ўтказилади.

***...Ҳа, ушбу байрам унинг иштирокчилари қалбида бир олам шодлик уйғотди. Дарҳақиқат, бундай қувончли лаҳзалар ҳадемай кириб келадиган Янги йил байрами олдидан қалбларимизга ўзгача шукуҳ бағишлади. Бинобарин, ҳаяжон билан кутилган бундай байрамлар, бундай қувончли дамлар киши қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.***

*Собир БОТИРОВ.*

*СУРАТДА: «Ян интернешнл» компаниясининг президенти жаноб Поль Ян мароқли ўтган тадбир чоғида.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*

# ТАБАССУМ

— Суннат тўйида бериладиган наҳорги ошга нега аёллар таклиф қилинмайди?

— Наҳорги ошни тановул қилиш учун кўп вақт ажратиш мумкин эмас. Хотин-қизлар эса овқатланаётганида хотиржам у ёқ-бу ёқдан гаплашаб ўтирмаса, томоғидан ош ўтмайди.

***

— Аёллар учун энг даҳшатли касал қайси?

— Соқов бўлиб қолиш!

***

— Ҳа, Меливой, тўйларнинг чарчоғи чиқиб қолдими?

— Бе, нималар деяпсан, қиз узатганимдан кейин, оёғимни узатиб ётаман деб ўйлаган эдим, белимни кўтара олмай қолдим.

***

— Ўртоқлар орасидан ҳақиқий дўстларни қандай ажратса бўлади?

— Қарзга пул олиб ёки пул бериб.

***

Ўқитувчи:

— Рационал кўрсаткичли даража хоссаларини исботлашда нималардан фойдаланасан?

Шу вақт дарсдан чиқишга қўнғироқ чалинди.

Ўқувчи:

— Қўнғироқдан.

***

— Одамлар ҳам ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бўлиб қолди. Россияда беш минг сўмлик қалбаки пуллар ясашибди.

— Сен уни гапирасан-а, ўзимизда баъзи қассоблар суякдан пул ясаяпти-ку!

***

Автобус бекатида оппоқ соқолли бир мўйсафид қаршисида турган ўрта ёшлардаги кишига мурожаат қилди:

— Ўғлим, отангизни анча йилдан бери кўрмайман, бардам-бақувват юрибдиларми?

— У киши яқинда «95» га ета олмай, «93» да кетдилар.

— «93» да кетган бўлсалар, жуда яхши умр кўрибдилар-ку.

***

Ёш мулла кўчада кетаётиб бир тўда болаларнинг чўп билан чаён ўйнаётганини кўриб қолди. У ҳашаротга азоб бериш гуноҳ эканлигини уқдириб, чаённинг устини силай бошлади:

— Эй, худонинг гажакдор махлуқи. Эй, худонинг гажакдор жонивори.

Шу вақт чаён унинг бармоғини чақиб олди. Мулла додлаб юборди ва чаённи тепиб деди:

— Эй, бундай махлуқнинг падарларига минг лаънат.

*Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.*


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ЮРИДИК КОЛЛЕЖИ**

*Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларни тест синовларига тайёрловчи курсларга*

**ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАР ВА 11-СИНФДА ЎҚИЁТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

*Ўқиш муддати 6 ой бўлиб, пул тўлаш орқали амалга оширилади.*
*Ўқишга кириш учун- қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, мактабда ўқиётгани ёки уни битирганини тасдиқловчи маълумотнома.*

***МАШҒУЛОТЛАР 1997 ЙИЛ 6 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.***

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Чилонзор, 12-мавзе, 67-«а» уй.
Телефонлар: 75-35-76, 75-77-01, 75-72-66.

*МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!*

***«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси Сизларни кириб келаётган янги 1997 йил билан табриклайди! Шаҳар йўловчи ташиш транспортининг иши байрам кунларида қуйидаги тарзда ташкил қилинади:***

**1996 ЙИЛНИНГ 31 ДЕКАБРИДА:**
**— автобус, трамвай, троллейбуслар соат 24.00 гача**
**— метрополитен соат 24.00 гача**

**1997 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ КУНИ:**
**— автобус, трамвай, троллейбуслар соат 7.00 дан**
**— метрополитен соат 5.00 дан.**

**Такси хизматидан фойдаланиш буюртмалари 062 телефони орқали ҳар доим қабул қилинади.**

**«АЙСЕЛЬ А. Ш» ТУРК ҚУРИЛИШ ФИРМАСИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКДАГИ ИШЧИЛАР:**
*КамАЗ автомобилларини таъмирлайдиган чилангарлар, турли ишларни бажарувчи ишчилар*
**КЕРАК**
Мурожаат учун телефонлар: 34-55-80, 34-45-61.
Манзилимиз: Амир Темур кўчаси, 107-уй, «Айсель А. Ш.» фирмаси. (Мўлжал «Ўзэкспомарказ»).


## Миср янгиликлари

### ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМҒАРМАСИ

Мамлакат журналистлари ўзларини ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган махсус жамғармага эга бўлдилар. Жамғармага аъзолик бадали илк бор 1997 йил 1 январидан бошлаб қабул қилина бошлайди.

Жамғарма журналистга у 60 ёшга тўлганида ёки ишга лаёқатини йўқотган ҳолда, вафот этганида энг кам миқдори 4000 жунайҳ (тахминан 1200 доллар), энг юқори миқдори эса 24000 жунайҳ (сал кам 8000 доллар) ҳажмида ёрдам маблағи беради. Энг оз миқдорда ёрдам маблағи олиш учун журналист жамғармага камида 5 йил аъзо бўлган ва аъзолик бадалини мунтазам тўлаб турган бўлиши керак.

### ЎТМИШГА НАЗАР

Британиянинг Манчестр университетига қарашли музейнинг мисрлик аёллар ҳаётига оид бўлими бошлиғи Рузалий Дэвид хоним дунёнинг турли ерларида сақланаётган 2000 дан ортиқ фиръавн даврида мўмиёланган аёллар жасадлари қон ва тўқималарига оид маълумотларни ўзида жамлайдиган банк яратиш режаси мавжудлигини маълум қилди. Шу тариқа мисрлик аёллар ҳаёти билан қизиқадиган олимларга фиръавн оилалари сир-асрорларини ўрганиш, уларнинг ношаръий, ишқий саргузаштлари фиръавн авлодлари қони ўзгаришига олиб келганми, йўқми билиш имкони яратилади.

Бу дастурга кўра тадқиқотчи олимлар мавжуд мўмиёланган жасадларнинг ички аъзо ва мушакларидан қон ва тўқима намуналари олиб текшириб кўришлари назарда тутилмоқда.

Бу дастур амалга ошса Туганхамоннинг Ихнатон билан алоқаларига ҳам ойдинлик киритади. Зеро, манбаъларда у Ихнатоннинг қизига уйланган дейилади.

### ҲАЙРАТГА СОЛГАН ҲАЙКАЛ

Афина шаҳри марказидаги Мисрда сайёҳлик фестивали ўтадиган меҳмонхона олдига ўрнатилган «Қўрқинч отаси» — Абу-л-Ҳавл ҳайкалининг улкан нусхаси ўзининг баҳайбатлиги ва даҳшатлилиги билан бу ерлик йўловчи ва ҳайдовчиларни ҳайратга солиши туфайли йўл ҳаракати издан чиқишига сабаб бўлди. Натижада Афина давлат автомобиль назорати ходимлари Миср элчихонасидан бу ҳайкални меҳмонхона ичкарисига киритиб қўйишни илтимос қилишди. Бунга жавобан элчихона масъуллари ҳайкал бу ерга кишилар диққатини жалб қилиш мақсадида ўрнатилгани, зеро одамлар унинг атрофида тўпланишаётган экан, у ўз мақсадини бажараётганини айтдилар.

### ИБН СИНО МЕРОСИ

Кимёвий дорилар билан даволашнинг салбий оқибатлари ҳақидаги хавф борган сари кўпаяётган шу кунларда бутун араб оламида, ҳатто Германияда ҳам қадимий табобатга, айниқса гиёҳлар билан даволаш усулларини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ошмоқда. Зеро мисрликлар ҳали ҳануз бир қатор хасталикларни аждодлари сингари гиёҳлар билан даволаб келадилар. Шунинг учун ҳам Мисрнинг Луқсор шаҳрида «Қадимий Мисрда табобат» мавзусида ўтган йирик анжуманда бошқалар қатори германиялик олимлар ҳам қатнашдилар.

Сўнгги пайтларда, Шарқнинг буюк олим ва мутафаккири Ибн Сино ва унинг «Тиб қонунлари» асари яна шифокор олимларнинг диққат марказида бўлмоқда.

### ПАХСАДЕВОР ҚАСР

Ислом меъморчилигини тиклаш ва режалаш марказининг раиси, фан доктори Солиҳ Ламъий бундан 5 йил муқаддам саудиялик бир амирга, унинг илтимосига кўра у туғилиб ўтган қишлоғида биринчи марта пахсадевордан бутун бир қасрни лойиҳалаб, қуриб берган эди. Пахса бу ер об-ҳаво шароитига дош бериши учун ишлатиладиган тупроқ таркибига кимёвий моддалар қўшилиб, рентген нури ёрдамида технологик ишловдан ўтказилган эди. Дабдабали меъморчилик оламида ўзига хос янгилик бўлган бу пахса қаср Саудия Арабистонида сўнгги 5 йил давомида рўй берган узлуксиз сел офатларига тўла бардош берган. Бу табиий офатдан у 5 фоиз ҳам зарар кўрмаган.

Темир, бетон ва тошлар меъморчиликда асосий қурилиш материалига айланиб қолган шу кунларда пахса ўзининг хомашё сифатидаги аввалги ўрнини эгаллаши учун бу ўзига хос тажрибани ҳар томонлама ёритиш ва тарғиб қилиш мақсадида бу ҳақда инглиз тилида қўлланма чоп этишга қарор қилинган.

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ✤ Буюртма Г-0699. ✤ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ✤ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ✤ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ✤ Босмага топшириш вақти 11.30. ✤ Босишга топширилди: 11.30. 5.528 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.